

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“АХБОРОТ СОАТЛАРИ” № 32-2017**

**Ҳафтанинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари
(24-29 апрель кунлари)**

**I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-
СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель кунини Жанубий Қозоғистон вилоятига ташриф буюрди ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан амалий учрашув ўтказди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик яхши кўшничилик, қардошлик ва ўзаро ҳурмат руҳида изчил ривожланмоқда. Ўзаро алоқалар барча соҳаларда фаоллашмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифалар очди. Ушбу ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Жанубий Қозоғистон вилоятидаги учрашувда Президентимизнинг шу йил март ойида Қозоғистонга давлат ташрифи давомида мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзаро учрашувлар мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

– Жорий йил март ойидаги Қозоғистонга ташрифимиздан сўнг ўзаро ҳамкорлигимизнинг барча йўналишлари бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқдик. Вазирлар ва ҳудудлар раҳбарларининг учрашувлари фаоллашди, – деди давлатимиз раҳбари.

Президент Нурсултон Назарбоев олдинги учрашувдан кейин мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада фаоллашганини қайд этди.

– Шу йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий алоқалар сезиларли даражада ошди. Транспорт-логистика, автосаноат соҳаларидаги ва ҳудудлараро ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш жоиз. 2017 йилнинг дастлабки уч ойида ўзаро товар айирбошлаш 37 фоизга кўпайди, – деди Қозоғистон Президенти.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Нурсултон Назарбоевга бугунги учрашув учун самимий миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлигидаги ижобий суръатлар барқарор сақланиши ва янада ривожланишига ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Жанубий Қозоғистон вилоятидаги «Caspian Food» ширкатига ташриф буюрдилар.

«Caspian Food» масъулияти чекланган ширкатига ташриф чоғида Президентларга корхонанинг узумчилик ва виночиликни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Давлат раҳбарлари узумни қабул қилиш технологик линияси, ферментация жараёни билан танишдилар, маҳсулотларни дистилляциялаш ва қадоқлаш цехини кўздан кечирдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев токзор ва ёнғокзорни бориб кўрдилар.

Асосий мақсадимиз – мамлакатимизни янада тараққий эттириш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 27 апрель куни Жиззах вилоятида бўлди.

Мустақиллик йилларида вилоят ҳар томонлама ривожланди, шаҳар ва қишлоқлар обод бўлиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошди. Худудда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

2016 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 9,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 17,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,3, қурилиш ишлари 11,8, чакана товар айланмаси 15,2 фоизга ўсди.

Ўтган йили саноат соҳасини ривожлантиришга доир 304, қишлоқ хўжалигида 696 лойиҳа амалга оширилди.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2016 йилда 80,3 фоизни ташкил этди.

Худудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 38 миллион долларлик маҳсулотлар ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

“Жиззах” эркин иқтисодий зонаси вилоят саноатини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2016 йилда бу ерда фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан 163 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Биринчи Президентимизнинг 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони асосида барпо этилган ушбу махсус худудда ўтган йилларда 20 (Жиззах вилоятида 15 та, Сирдарё вилоятида 5 та) корхона ишга туширилди.

Замонавий технологиялар билан таъминланган корхоналарда 1000 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Иш ўринларининг 60 фоизини олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари битирувчилари банд этди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида вилоятда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини изчил давом эттириш, вилоятни

хар томонлама ривожлантириш, аҳоли манфаатларини таъминлаш бўйича катта режа ва мақсадларни баён этган эди. Президентимиз Жиззахга ташрифи давомида ана шу режалар ижроси, амалга оширилаётган ислохотлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ташрифини Зафаробод туманидан бошлади. «Чимқўрғон» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлди.

Маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

– 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ислохотларни чуқурлаштириш орқали унинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида аҳамият берилган, – деди Президентимиз. – Ана шу устувор йўналишларни амалга оширишда ҳозирги кунда ва истиқболда юртимиз аҳолиси ва саноат корхоналарини сифатли нефть маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жиззах вилояти катта саноат салоҳиятига, илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятларга эга. Бу ўз навбатида янги заводни самарали ишлатиш учун замин туғдиради. Янги корхона вилоят иқтисодиёти учун ўзига хос локомотив бўлибгина қолмасдан, бутун мамлакатимизни нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш имконини беради.

Ҳеч шубҳасиз, бу янги завод нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасидаги ноёб саноат объектларидан бирига айланади. Қиймати 2,2 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳа йилига 5 миллион тонна нефть хомашёсини қайта ишлаш имконини беради.

Ушбу мажмуа учун Қозоғистон Республикаси ҳудудидан тортиб келинадиган қувурнинг умумий узунлиги 95 километрни ташкил этади. Бу энергия ресурсларини етказиш харажатларини кескин камайтиради ва лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини оширади. Нефть нархининг арзонлашиши мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларига ижобий таъсир кўрсатади. Мажмуанинг географик жойлашуви ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларига ва экспортга минимал харажатлар эвазига етказиш имкониятини таъминлайди.

Заводда углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича энг замонавий, экологик тоза ва энергетик жиҳатдан самарадор технологиялар ўрнатилади. Улар асосида Евро-5 стандартидаги юқори сифатли мотор ва авиация ёқилғиси, бензол, мазут, битум ва бошқа нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Авиация керосини ишлаб чиқариш мамлакатимиз авиация соҳасини янада ривожлантириш, ҳаво кемаларимизнинг парвоз географиясини кенгайтириш, савдо-иқтисодий алоқалар, туризм салоҳияти ортишига хизмат қилади.

Мажмуанинг ишга туширилиши 2 мингдан зиёд, соҳага алоқадор ва хизмат кўрсатиш тармоқларида яна 14 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Мажмуага тантанали равишда тамал тоши қўйилди.

Тадбир иштирокчилари ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Жиззах шаҳридаги Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази фаолияти билан танишди. Марказда тадбиркорларга барча турдаги хизматлар кўрсатилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган бугунги кунда компьютер, интернет ва бошқа алоқа воситалари олис қишлоқларда ҳам кундалик турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб бораётир. Замонавий технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги йилдан-йилга ошиб, компьютер техникаси ва электрон ҳужжат айланиш тизими ривожланаётир. Барча соҳада илғор коммуникация технологиялари қулай ва тезкор маълумот алмашиш ва хизмат кўрсатиш воситасига айланмоқда.

Марказда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан турли соҳа мутахассисларидан жавоб олишлари мумкин.

Энди тадбиркор муаммосини ҳал қилиш учун турли ташкилотларга бориб юрмайди. Ушбу марказда барча соҳа мутахассислари уларнинг талаб ва таклифларини ўрганади ва ечимини топади. Тадбиркорларга кўмаклашиш маркази тадбиркорларнинг ҳақиқий кўмакчиси бўлиши лозим, деди Шавкат Мирзиёев.

Туманларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш марказлари ташкил этилиб, улар томорқадан самарали фойдаланиш, микробизнесни йўлга қўйиш, микрокредитларни расмийлаштириш, ажратилган кредитларни мониторинг қилиш каби масалалар билан шуғулланади. Вилоят бўйича 91 ана шундай марказ очилиши кўзда тутилган.

“Халқни тадбиркор қилиш” шиори остида тижорат банклари томонидан қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, кичик бизнес субъектларини сифатли, қулай, ишончли ресурслар билан таъминлашда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Энг олис ҳудудларда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун, аввало, аҳолига тадбиркорлик бўйича етарлича тушунча ва билим беришимиз керак. Тадбиркорларга имконият ва шароит яратиб берсак, улар ўзларини ҳам, аҳолини ҳам иш билан таъминлайди, деди Президентимиз.

Шу ерда вилоят иқтисодиёт комплекси томонидан амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка кўмаклашиш тизими ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонасида яратилган шароитлар билан танишди.

Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳкўчаси 117-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонасида фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилишига оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш учун барча қулайлик яратилган.

Улкан бунёдкорлик ишлари Жиззах қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Одамлар ҳаётдан, яратилаётган имконият ва шароитлардан рози экани уларнинг очик чеҳраларида акс этган.

Президентимиз Жиззах шаҳрининг бош режаси асосида амалга оширилиши режалаштирилган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча шаҳарлари қатори Жиззахда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Замонавий уй-жойлар, янги йўл ва кўчалар, хиёбонлар барпо этилмоқда.

Темирйўлчилар ва Тошкент кўчаларининг меъморий ечими бўйича лойиҳа шаҳарда темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини арзон ва замонавий уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган. Лойиҳага мувофиқ мазкур кўчаларни туташтирувчи 900 метрли, тўрт полосали янги йўл қурилади. Бу транспорт воситалари ҳаракатига, темир йўл вокзалига келиб-кетувчиларга қулайлик яратади. Янги кўчанинг икки томонида 5-7 қаватли замонавий уй-жойлар бунёд этилади. Мустақиллик кўчасида ҳам 7 қаватли турар жойлар қурилади. Ўзбекистон кўчаси кенгайтирилади.

Давлатимиз раҳбари бу кўчалар ва янги уйлар шаҳар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбонларини барпо этиш лойиҳалари билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувда халқимизнинг фидойи фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш, у киши туғилиб ўсган Жиззах заминида ёдгорлик мажмуаси барпо этиш таклифини билдирган эди. Бу ташаббуснинг ижобати сифатида Жиззах тумани Шароф Рашидов тумани деб номланди. 2017 йил 27 март куни Президентимизнинг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бугунги кунда бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбонини барпо этиш, мазмун-моҳиятини бойитиш, уларнинг ижодий мактабларини ташкил этиш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди.

Жиззах вилояти туманлари марказларида бунёд этиладиган 4 қаватли арзон уй-жойлар лойиҳаси ҳам намойиш этилди.

Президентимиз Шароф Рашидов тумани “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти, профилактика инспектори яшаш жойи билан танишиб, “Учтепа” массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойларда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида барпо этилган ҳар бири 16 хонадонли 2 та икки қаватли ва 10 хонадонга мўлжалланган 2, 3 хонали, 2 сотих томорқа ва ёрдамчи иншоотларга эга битта бир қаватли уйда 42 оиланинг замонавий шароитларда яшаши учун барча қулайлик яратилган.

Бундай замонавий уйлар қишлоқ кўркига кўрк қўшиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, одамларда давлатимизга ва эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамламоқда.

Янги уйлар “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши тавсияси билан биринчи навбатда турар жойга эҳтиёжманд ёш оилаларга берилди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли билан мулоқотда бўлди.

Жорий йилда вилоятда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича 866 уй-жой қурилиши мўлжалланган. “Учтепа” массивида 6 та 16 хонадонли арзон уй-жойлар қурилиши олиб борилмоқда. Мазкур уйларни Мустақиллик байрамигача фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Президентимиз Пахтакор туманида бўлиб, Жиззах вилоятида енгил саноат, чарм-пойабзал, қишлоқ хўжалиги тармоқларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 декабрдаги “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чоратadbирлари Дастури тўғрисида”ги қарори соҳа ривожини учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Вилоятда 2017-2018 йилларда енгил саноатни ривожлантириш дастури доирасида қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Миллий банк томонидан “Элеганс текс”, “Пахтакор голд текс”, “Фориш голд текс”, “Зомин текстиль”, “Зарбдор текстиль” каби корхоналарда умумий қиймати 111 миллион долларлик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Бу 2 минг 890 янги иш ўрни яратиш имконини беради.

“Асака” банки, “Ипотека-банк” ва “Алоқа” банки томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш, етиштирилаётган пахта толасини ҳудуднинг ўзида қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш ва аҳолини сифатли кийим-кечак билан таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз ташкил этилаётган ҳар бир иш ўрни муҳим экани, корхоналарни барпо этишда замонавий қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш ва ишга тушириш муддатларини тезлаштириш лозимлигини қайд этди.

“Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси томонидан “Жиззахулгуржисавдо” масъулияти чекланган жамияти негизида агрологистика маркази ташкил этилмоқда. «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган ушбу корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қуритиш, қадоқлаш, сақлаш, иссиқхона ташкил этиш ҳамда экспортга йўналтириш билан шуғулланади. Корхона газ, сув, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган.

Агрологистика марказига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуналарни Италиядан келтириш кўзда тутилмоқда. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган 2 минг тонналик совутгич, шунча сиғимга эга дуккакли маҳсулотларни сақлаш омборхонаси, 3 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватлари, 4 гектарда иссиқхона ташкил этилади. Ишчилар сони 150 нафарга етказилади.

Жиззах шаҳридаги «Бону ширинликлари» корхонаси томонидан қандолат ва шоколад маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдим қилинди. 140 ишчи меҳнат қилаётган ушбу корхонада фаолиятни кенгайтириш мақсадида экспортга йўналтириладиган қандолат ва шоколад маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияларини ўрнатиш мўлжалланмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 14 миллиард сўм бўлиб, шундан 9,8 миллиард сўми Халқ банки кредити ҳисобидан амалга оширилади. Қўшимча 150 иш ўрни яратилади.

Янгиликка интилиб яшаш иқтисодиётимиз тараққиётининг муҳим омилдир, деди Шавкат Мирзиёев. Бугун жаҳон бозорида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб ортмоқда. Бу иқтисодиётимиз тобора юксалиб бораётганидан далолатдир. Жиззах вилоятида амалга оширилаётган мазкур лойиҳалар иқтисодий самарадорлик билан бирга, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Вилоятда йирик чорвачилик лойиҳаларини молиялаштириш, паррандачиликни ривожлантириш, Зомин туманида тоқзорлар, иссиқхона мажмуаси барпо этиш, асал етиштириш, Бахмал туманида 2 минг бош қорамол боқиладиган ва сутни қайта ишлайдиган корхонани ишга тушириш, Фориш туманида насли эчкиларни кўпайтириш ва эчки сутини қайта ишлаш агрофирмаси ташкил қилиш, Ғаллаорол туманида ёнғоқзорлар барпо этиш, Айдар-Арнасой кўллари тизимида балиқчиликни ривожлантириш лойиҳаларининг тақдимотлари ҳам ўтказилди.

Президентимиз ушбу лойиҳалар билан танишиб, уларнинг ҳар бири бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида ҳам бўлди.

Ҳозир ушбу эркин иқтисодий ҳудудда юк ва енгил автомобиллар учун тормоз колодкалари, телевизор, кондиционер, музлаткич, кир ювиш машиналари, микротўлқинли печь, светодиодли лампалар, полипропилен иплар, видео ва IP телефонлар, телекоммуникация ускуналари, интернет тезлигини оширувчи бутловчи қисмлар каби турли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Истиқболда ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган янги маҳсулотлар ҳақида маълумот берилди. Безакли, флоат ва ультраюпқа ойналар ишлаб чиқариш лойиҳаси шулардан бири. Янги тақдим қилинаётган лойиҳада телефон ва планшетлар учун ойналар ишлаб чиқарилади.

Шароф Рашидов туманида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш

даражасини янада ошириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

САЛОМАТЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Мамлакатимизда 29 апрель куни «Саломатлик сари» оммавий югуриш тадбирлари ўтказилди

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, оилаларда ва меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни шакллантириш мақсадида ташкил этилган мазкур саломатлик акциясида ўттиз беш мингга яқин турли соҳа ходимлари, фахрийлар, хотин-қизлар, ёшлар иштирок этди.

Тадбирнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларида тўрт мингдан ортиқ иштирокчи ўз шижоати, иродаси, матонати ва тезкорлигини намоён қилди.

...Эрталабдан Нукус ва Ойбек кўчалари чорраҳаси мусобақа иштирокчилари билан гавжум. Улар «Саломатлик сари» оммавий югуриш тадбирининг бошланишини катта ҳаяжон билан кутмоқда. Мусобақага старт берилади.

Мусобақа қатнашчилари Ойбек, Афросиёб, Шароф Рашидов, Ислон Каримов кўчалари бўйлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрига қадар бўлган масофани босиб ўтди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашнинг муҳим омили сифатида жисмоний тарбия ва спорт ривожига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Бу жараёнда турли мусобақалар, оммавий спорт тадбирлари ёшларнинг спортга қизиқишини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

– Жисмонан ва руҳан соғлом бўлиб юришда спортнинг аҳамияти беқиёс, – дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ходими Абдурашид Мелибоев. – Бу каби мусобақалар турли соҳа ходимларининг фаоллигини ва меҳнат фаолиятининг унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

– Бундай тадбирлар жамиятда соғлом муҳит барқарор бўлиши, ёшларнинг турли салбий иллатлардан мустаҳкам иммунитет ҳосил қилишига катта замин яратади, – дейди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси Кумуш Матёкубова. – Бугунги тадбирда ғалаба қозонганимдан хурсандман. Бу тадбир нафақат ўз маҳоратимни намойиш этиш, балки, турли олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган тенгдошларим орасида янги дўстлар топиш имконини ҳам берди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди. Тадбир қатнашчилари «Энг ёши улуғ иштирокчи», «Энг ёш иштирокчи», «Ғалабага бўлган интилиши учун» сингари турли номинациялар бўйича ҳам рағбатлантирилди.

II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

Халқаро фан олимпиадаси: Ўзбекистон вакиллари медалларга эга бўлишди

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан таълим соҳасини ривожлантириш, уни тубдан ислоҳ қилиш, чуқур билимга эга бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбияланган, илғор дунёқарашга эга, мустақил фикрловчи баркамол инсонларни шакллантириш устувор вазифа этиб белгилаб берилган.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадалари Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» ги 226-сонли қарори, Адлия вазирлигида 2009 йил 2 июнда 1962-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисида Низом» асосида иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, ноёб фазилатларини янада ривожлантириш, уларни рағбатлантириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ташкил этилади ва ўтказилди.

2017 йил 23-29 апрель кунлари Остона шаҳрида (Қозоғистон) Кимё фанидан ўтказилган 51-халқаро Менделеев олимпиадасида Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этишди. 18 давлатдан 111 нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этган мазкур нуфузли олимпиадада ўзбекистонлик ўқувчилар учта бронза медалини қўлга киритди.

Бундан олдинроқ (2017 йил 12-18 январь кунлари) математика, физика, информатика фанларидан 18 та давлатдан 182 нафар ўқувчи иштирок этган 13-халқаро Жаутиков олимпиадасида (Олма-ота, Қозоғистон) иштирок этган ўзбекистонлик ўқувчилар математикадан битта кумуш, физика ва информатикадан биттадан бронза медалини қўлга киритиб келган эди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг маълум қилишича 2000-2016 йиллар мобайнида Ўзбекистон терма жамоалари халқаро фан олимпиадаларида 6 та олтин, 31 та кумуш ва 82 та бронза медалини қўлга киритган ҳамда 39 нафар иштирокчига махсус диплом берилган. Шу билан бирга жорий йил режасига мувофиқ биология, физика, математика ва информатика бўйича халқаро олимпиадаларга иштирок этиш бўйича ташкилий ишлар кўрилмоқда.

Халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритган Ўзбекистон вакилларига амалдаги тартибга мувофиқ пул мукофотлари, шунингдек, олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда қўшимча имтиҳонларсиз кириш имконияти берилиб келинмоқда.

Россияда мигрантларга нисбатан муносабат ёмонлашмоқда

Россиядаги нодавлат тадқиқот ташкилоти бўлмиш «Левада-центр» аналитик маркази томонидан ўтказилган сўров яқунларига кўра, сўнгги 10 йил ичида россияликларнинг меҳнат мигрантларига нисбатан муносабати ёмонлашган.

Сўровда иштирок этганларнинг 32 фоизи мигрантларни билими кам, фақат малакасиз ишларни бажара олишга қодир инсонлар, деб ҳисоблайди. 10 йил муқаддам бундай ҳисобловчилар 28 фоизни ташкил этган. Боз устига, мигрантларни кўп ишлашдан тоймайдиган меҳнатсевар инсонлар (30 фоиздан 26 га), ўз оилалари ҳақида қайғурувчи боқувчилар (38 фоиздан 25 га), деб ҳисобловчилар сони ҳам камайган.

Россияликларнинг 67 фоизи ҳукумат хорижликларнинг келишига тўсик қўйиши керак, деб ҳисоблайди. Бу кўрсаткич 2013 йил октябрида (78 фоиз) ва 2016 йил мартида (80 фоиз) максимум даражага кўтарилган эди. Маълум бир мамлакатлардан келадиган мигрантларга нисбатан муносабатларда ҳам ўзгаришлар мавжуд: масалан, Украинадан келувчи мигрантларга ёмон муносабатдагилар сони 9 дан 19 фоизга кўтарилган, Беларусдан — 8 дан 13 га, Марказий Осиё республикаларидан борганларга эса ёмон муносабат 31 дан 38 фоизгача кўтарилган, бироқ Кавказорти республикаларидан келган муҳожирларга муносабат бироз яхшиланган.

Ҳар икки россияликдан бирида меҳнат мигрантларининг ҳар қандай тоифасига нисбатан тоқатсиз муносабат мавжуд, қолган ярми уларга нисбатан бағрикенгроқ, дейди «Левада-центр» ходими Карина Пипия.

Россияликлар, айниқса, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёдан борганларга ёмонроқ муносабатда, сўнгги 10 йилда украиналик меҳнат мигрантларини ёқтирмаслик даражаси ҳам ортган. Бу ҳолатда мигрантларга муносабат россияликларнинг улар келиб чиққан давлатга нисбатан муносабати билан корелляция қилинади, яъни «мигрантофобия» сиёсий омиллар билан ҳам боғлиқ. Социологнинг фикрича, «Украинага нисбатан салбий муносабат шакллантирилса — ўша ердан келган мигрантларни ёқтирмаслик кучаяди, масалан, Гуржистонга нисбатан яхши муносабатдагилар сони ортса — Кавказортдан келаётган мигрантларга нисбатан бағрикенглик даражаси ортади».

Миграцион қартадан бутун дунёда сиёсий ўйин сифатида фойдаланишади, Россия ҳам бундан мустасно эмас, бироқ бошқаларга нисбатан бу устунликдан камроқ фойдаланади, деб ҳисоблайди «XXI аср миграцияси» фонди президенти Вячеслав Поставнин.

«Мигрантларга нисбатан муносабатларда тебраниш 90-йиллар бошидан буён кузатилмоқда, у ҳар бир жойда бор, аҳолининг катта қисми сиёсатчилар ва ОАВ нима деяётганига қараб ўз фикрини шакллантиради», дейди у.

Сўнгги вақтларда Москва, Москва оstonаси, Санкт-Петербург ва Ленинград областида Россиядаги жами мигрантларнинг 60 фоизи тўпланганлиги факти муаммо бўлаётлиги ҳақида эксперт шундай деган: «Биз миграцияни назорат остига ололмаётганимиз муаммо бўлмоқда. Тобора Москва ва Санкт-Петербургда ишчи ўринлари учун рақобатлар ортиб боради, бу ҳолда бошқа худудларда ишчи кучи етишмаслиги кузатилмоқда».

Сиёсатчи Алексей Макаркин миграция муаммоси икки ҳолатда юзага келишини таъкидлаб ўтган. Биринчиси — сайловлар вақтида. Масалан, 2013 йилги Москва мэрлигига сайловлар вақтида бирорта мигрантларга ён босувчи номзод бўлмаган, деб эслайди эксперт: «Россияда мигрантларни ёқловчи бирорта партия йўқ. Европада мигрантларга қарши тўлқинлар юзага келганда, албатта, мигрантларни интеграция қилишни ёқлаб чиқувчи сиёсий куч топилади. Бизда эса бирор лавозимга сайланишни истайдиган номзод ҳеч қачон бундай масалани кўтармайди».

Бу рус жамиятининг консервативлиги билан тушунтирилади, бу ҳолатда либераллар — ғарбча қарашдаги консерваторлар, россиялик консерваторлар эса — ғарбчасига олинганда ультраўнлар ҳисобланади, деб тушунтиради Макаркин. Унинг сўзларига кўра, Россияда мигрантларни ёқлаб овоз бериш умуман йўқ, мигрантларнинг ўзи эса, масалан, Франциядагига терс ўлароқ, сайлов жараёнларига бирор таъсир ўтказиш қудратига эга эмас.

Бу мавзу кўтариладиган иккинчи вазият — бирор мигрант томонидан резонансли жиноят содир этилган ҳол, дея давом этади Макаркин: «Экспертлар худди шундай жиноятларни маҳаллий аҳоли вакили томонидан содир этилган ҳолатларни ҳам эшлашади, бироқ гап ҳиссиётлар ҳақида кетганда экспертиза ҳақида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу ҳолатда ҳокимият ё миграцион қоидаларни ўзгартиради ёки муайян муаммони ечади, ёки ультраўнларни ўз манфаатлари йўлида ишлатиб, уларнинг фаолиятини максимал даражада чегаралайди. Бу қоидаларнинг барчаси адашмасдан ишлаб келмоқда».

АҚШ телеканали яна битта «Янги Зеландия»ни кашф қилди

Интернетда АҚШнинг ABC News телеканали йўл кўйган хатоси учун кулгига қолди. Гап шундаки, телеканалнинг янгиликлар сони давомида дунё харитасида ёнма-ён турган иккита Янги Зеландия намойиш қилинди.

Фойдаланувчилар дарҳол бу ҳолат устидан мутойиба қилишга киришиб кетдилар. Улардан бири «Битта Янги Зеландия ҳар доим камлик қилган» деб ёзган бўлса, бошқаси «бу «дабл-Зеландия» (иккиланган Зеландия) деб ёзган.

Яна бир фойдаланувчи эса «Бири Янги Зеландия, бошқаси эса Эски Зеландия» деб мутойиба қилган.

Материалларни тайёрлашда республика ОАВ хабарларидан фойдаланилди.